

З. Илхомиддинова, илмий маслахатчи Р.И. Эгамбердиев

Наманган мухандислик-технология институти

Наманган шаҳри, Ўзбекистон

rahmonjon72@mail.ru

ОДОБ-АХЛОҚНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада ёшлар миллат келажаги, тақдирини белгиловчи асосий омил эканлиги, уларнинг комил инсон қилиб вояга етишлари, маънавиятини юксалтиришда одоб-ахлоқ ва тарбиянинг аҳамияти баён этилган.

Таянч иборалар: ёшлар, одоб, ахлоқ, тарбия, оила, ёшлик, ота-она.

Z. Ilhomiddinova, R.I. Egamberdiyev

Namangan Institute of Engineering and Technology

Namangan, Uzbekistan

rahmonjon72@mail.ru

THE ROLE OF MORALITY IN RAISING THE MORALE OF YOUNG PEOPLE

Annotation. The article explains that young people are the main factor determining the future of the nation, the importance of morality and education in their spiritual development.

Key words: youth, manners, ethics, upbringing, family, youth, parents.

Инсон ҳаётининг ҳар бир босқичи муҳимдир. Мазкур муҳим босқичлар ичида умрнинг ёшлик даври алоҳида аҳамиятга эга. Ёшлик инсон умридаги энг нозик давр ҳисобланади. Ёшлик инсоннинг қувватга тўлган ва ҳаракатчанлиги зиёда бўлган вақтидир. Шу билан бирга ёшлик даври инсон ҳаёт йўлларининг чорраҳасида турган пайти ҳам ҳисобланади.

Агар ўша чорраҳада инсон яхши йўлга кириб қолса, ўзи, оиласи, қариндошлари, халқи, Ватани учун жуда катта яхшилик сари юз бурган бўлади, бу йўл уни дунё ва охират бахтига, саодатига эриштиради. Агар, мазкур чорраҳада ёмон йўлга бурилиб кетса, ўзи, оиласи, қариндошлари, халқи ва Ватани учун ўта кўнгилсиз ҳодиса сари қадам қўйган бўлади. Бу билан унинг дунё ва охиратда яхшиликка эришиши қийинлашиб қолади.

Ёшлар ҳар бир миллатнинг келажагидир. Зотан, ҳар бир шахснинг истиқболи айнан ёшлиқдан бошланади. Ёшлик пайтида шаклланиб қолган сифатлар инсонга умр бўйи ҳамроҳ бўлади. Шунинг учун ҳам ёшларнинг одобли бўлишлари учун ҳаракат қилиши жуда ҳам аҳамиятли иш ҳисобланади. Шу ўринда Муҳтарам Юртдошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 14 сентябрь куни Президентликни вақтинча бажариб, Бош вазир бўлиб турган вақтларидаёқ, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги

Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (ЎРҚ-406-сон 14.09.2016 й.) имзо чекканларини алоҳида таъкидламоқчимиз. Эътибор беринг, бу Қонун вақтинча Президент мақоми берилгандан кейинги Юртбошимизнинг биринчи, илк имзолаган ижтимоий қонун ҳисобланади.

Юртбошимизнинг ПФ-5106-сонли (05.07.2017 й) “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармойишлари билан бу борада олиб борилаётган ишлар тубдан ўзгартирилиб, ёшлар масаласида янгича ёндашув, янги босқич, янги кўринишни бошлаб берди.

Президентнинг 2017 йил 3 июль куни пойтахтимизда ўтказилган Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV-қурилтойидаги ҳамда 2020 йил бошида Президент девони, Ҳукумат аъзолари, даҳлдор вазирлик, кўмиталар, барча вилоят, Тошкент шаҳар ҳоқимлари, тегишли идоралар раҳбарлари ҳамда ёшлар вакиллари иштирокидаги видеоселектор йиғилишидаги танқидий, таҳлилий, мазмундор ва энг муҳими жуда ҳам керакли бўлган маърузаларида ҳам ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратдилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни парламентга мурожаат билан чиқиш қилиб, 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш йили” деб номлашни таклиф қилганликлари ҳам бежизга эмас.

Буюк мутафаккир Мир Алишер Навоий айтганидек “Инсоннинг энг гўзал, энг тўғри ва энг жиддий меъёри ҳаё ва одобидир”. Ота-она ҳар бир йигит-қиз учун жуда мўътабар, эъзозли, алоҳида эҳтиромга лойиқ кишилардир. Ислом дини ота-она ким бўлишидан қатъи назар, уларни ҳурмат қилишга буюради, уларга яхшилик қилиш мусулмон фарзанднинг бурчидир. Уларнинг амрини бажариш ҳам фарзандликнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Ёшлар гўзал ахлоқ билан хулқланиш борасидаги барча зарур ишларни амалга оширишга тинимсиз ҳаракат қилишлари лозим. Зотан, яхши хулқ ҳар бир инсоннинг зийнатидир. Ёшларни гўзал ахлоқ асосида тарбиялашни энг муҳим вазифа даражасида кўриш лозим. Чунки жамият аъзоларининг яхши хулқли, ҳалол ва пок бўлишини орзу қилсаг-у, аммо ўша жамиятнинг келажаги бўлмиш ёшлар тарбияси ҳақида қайғурмасак, ниятларимиз сароблигича қолаверади.

Ҳар бир ёш йигит-қиз ўз келажаги ҳақида тўла ва мукаммал тушунчага эга бўлиши ҳамда ҳаётдан кўзлаган мақсадини аниқ белгилаб олиши керак. Албатта, аниқ ва равшан мақсадга эга бўлиш ҳимматни оширади ҳамда ўз эгасини олий мақомларга

эришишга чорлайди. Шу омиллар туфайли ёшлар ўзлари, оилалари, халқлари ва бутун инсоният учун яхшилик келтирадиган инсон бўлиб етишадилар.

Одобли киши жамоатчилик ичида бўлганида, атрофга алангламайди, ўтирганида бўлар-бўлмасга ҳадеб типирчиламайди. Бармоқларини бир-бирининг ичига киритмайди, соқолини ва узугини ўйнамайди, тишларини кавламайди, атрофига тупурмайди, томоқ қиравермайди, керишмайди ва одамларнинг юзига қараб эснамайди. У сокин, вазминлик билан ўтиради. Шошилмасдан, тартибли ва аниқ гапирди, сўзловчининг гапига диққат билан қулоқ солади, ўта ажабланиб кетганини изҳор қилмайди, такрорлашини сўрамайди. Кийиниш борасида ясанишга ўч бўлмайди, шунингдек, ўта хароб ҳам, хунук даражада ҳам кийинмайди.

Мусулмон киши молини обрўсидан устун қўймайди. Бойлигини ё камбағаллигини дoston қилмайди. Чунки, бошқалар қашшоқлигидан қулишлари, бойлигидан эса тама қилишлари мумкин. Бирор киши билан тортишиб қолганда, шошилмайди, яхшилаб ўйлаб олиб, сўнг гапирди. Суҳбат асносида қўл силташни қўпайтирмайди, орқасидагиларга қўп қарайвермайди.

Мансабдор шахс уни ўзига яқин олса, у билан худди найзанинг учида тургандек, эҳтиёткорлик ила муомалада бўлади. У бирор гапи ёки хатти-ҳаракати ўзининг зарарига бўлиб қолиши ҳам мумкинлигини унутмайди. Мансабдорга худди ёш болага мулойимлик кўрсатгандек муомалада бўлади. Улуғ ва шарафли кишилар суҳбатида ўтирганда, ғийбат ва ёлғондан мутлақо четда бўлади. Суҳбатдаги сирларни сақлайди. Ҳожатини қўп гапирмайди. Доимо хушёр бўлиб ўтиради.

Тарбия, авваламбор, бола нима хоҳлашини тушуниш ва унинг истакларини ҳаёт, давр тақозосига қараб йўналтириш ҳамда ушбуларнинг амалга ошишида унга ҳақиқий кўмакдош, садоқатли ёрдамчи бўлиш демак. Кейинги навбатда, фарзандингиз ёмон одамларнинг таъсирига тушмаслиги учун унга яқин дўст, ишончли сирдош, қизиқишларининг ҳам қўриқчиси, ҳам қўллаб-қувватловчиси бўлинг, токи, яқин кишисини ташқаридан изламасин. У билан фикрлашиш, маслаҳат олиб туриш, авваламбор, унинг инсон эканини, ўз дунёқараши, орзу-умидлари борлигини тан олишдир.

Аҳли донишмандларнинг айтишича, вақтида олиш лозим бўлган-у, бироқ бой берилган бир соат таълим-тарбияни тиклаш учун камида ўттиз йил керак бўлар экан.

Юқоридагилардан келиб чиқиб;

- таълим, миллат тарбияси ҳамма вақт ҳам энг долзарб масала бўлиб, бу масалага ҳаммиша ёши катталар, нуронийлар ва устоз муаллимлар масъул ва жавобгар ҳисобланганлар. Бугунги кунда содир этилаётган жиноятларнинг аксарияти

болалар тарбияси хамиша оғир бўлган мактаб, касб-хунар коллежлари ўқувчи ёшлари ўртасида содир этилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири жойларда шу каби ёшлар тарбиясида ота-онанинг масъулиятсизлиги ва жамоатчиликнинг бефарқлиги яъни оила-маҳалла-таълим муассасаси хамкорлигининг яхши ташкил этилмаганлиги,

- ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларда фақат таълим муассасалари айбдор бўлибгина қолмай балки, ота-оналар, ушбу маҳаллаларнинг фаоллари, нурунийлари ҳам айбдор эканликлари,

- ёшлар ўртасида ўз касбини устаси, меҳнат фаҳрийси, моҳир педагог, ўзининг ҳалол меҳнати билан катта обрў-этиборга тушган, ҳукуматимизнинг орден ва медалларни олишга мушарраф бўлган фидоий инсонлар билан мунтазам (режа) асосида учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкил этилмаяпгани,

- ёшларга ўрнатилган бўлиб ҳавас қиладиган "Ўз касбининг устаси", "Моҳир педагог", "Маҳалладаги ибратли оила", "Қишлоқнинг саҳоватли инсони", "Меҳнат фаҳрийси", "Ижодкор оила", "Китобхон оила", "Энг озода хонадон", "Томорқадан унумли фойдаланган оила" каби танловлар жойларда ўтказилмаяпгани ёки ўтказилаётган шундай тадбирларнинг етарли эмаслиги,

- ёшларни китоб ўқишга жалб қилиш қийин кечаяпгани, мактаб кутубхоналарида ҳам бадиий китобларни камлиги, синф, курс раҳбарлари ўқувчиларини китоб ўқишга жалб қила олмаяпганликлари,

- ёшлар жамоат жойларида, транспортда, кўчада, театрда, концертда, истирохат боғларида ўзларини қандай тутиш кераклигини билмаслиги, ўз ота-оналари ва устозларидан бу борада етарли тарбия олмаганликлари,

- ҳар бир маҳаллада ташкил этилган жамоатчилик комиссияси, хожи она, хожи оталар, оқсоқоллар фаолияти афсуски етарли эмаслиги,

- фуқороларимизда ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари одат тусига кириб бормоқда. Хусусан, ёшларни кексаларга ёки кичикларни ўздан катталарга саломлашиши, ўз ота-оналарини ҳурмат қилиши каби оддий нормалар унутилиб бораётгани.

- маиший чиқиндиларни белгиланган жойларга ташлаш, сигарета ва писта(семечка)ларни кўчанинг ҳохлаган ерига ташлаб кетиш одат тусига кириб бораяпганлиги ва шу каби куннинг бошқа салбий ҳолатларни мисол қилишимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб бизнинг таклифларимиз;

1) Жойларда (мактаб, КХК, ОТМ, маҳалла, идоралар) ёшлар ўртасида ахлоқий тарбия, иқтисодий тарбия, экологик тарбия, меҳнат тарбияси, касбий тарбия, диний

тарбияга доир меҳнат фахрийлари билан режа (график) асосида учрашувларни ташкил этиш керак. Бунда биринчи навбатда ота-оналарнинг таълим, одоб-ахлоқ бўйича малакаларини ошириш зарур;

2) Мактаблар, касб-хунар коллежлари ва олийгоҳларда мураббийлар ўз иш услубларини амалдаги тартиблар асосида қайта кўриб чиқишлари ва кучайтиришлари, бу борада синф раҳбарлари ва мураббийлар ўртасида оила билан узвий алоқаларни боғлаш, ёшлар тарбияси, билими ҳақида ота-оналарни хабардор қилиб, ўқиши, хулқи аълочи ўқувчиларнинг ота-оналари номига ташаккурномалар ёзишни ташкил этишлари лозим;

3) Ота-оналар, ўқитувчилар ёшларга жамоат жойларида ўзларини қандай тутишлари кераклигини қайта-қайта тушунтиришда чарчамасликларини ўқтириш зарур;

4) Ёшларга ота-она, маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг ўринбосарлари, мактаб (синф раҳбари) ва касб-хунар коллежлари раҳбарлари, гуруҳ раҳбарлари, олий таълим муассасалари ректор ва проректорлари, гуруҳ мураббийлари таълим, одоб-ахлоқ, ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш масаласида ёшларга шахсий ўрнатилган бўлишлари керак;

5) Оммавий ахборот воситаларида ёшлар тарбиясига оид (аниқ мисоллар билан ижобий ва салбий ҳолатлар акс этган) туркум кўрсатувларни янада кўпайтириш лозим. Уларда кўтарилган масалалар мактаб, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида кенг муҳокама қилиб борилиши лозим.

Зеро исломшунос олим, ватандошимиз Шайх Абдулазиз Мансуров айтганларидек, “Кишининг бахтсизлиги унинг тарбиясизлигида. Тарбиясиз киши шарму-ҳаёсиздир. Ҳаёсизда эса эътиқод суст, хиёнаткорликка мойиллик туйғуси кучли бўлади. Бундай инсон моҳиятан “яланғоч” бўлиб, айнан гўзал одоб, ибратли ахлоққа асосланган таълим-тарбия уни “кийинтиради”, зеб беради, юксалтиради, комиллик сари элтади”

Маърифатпарвар шоир, драматург, журналист, олим, давлат ва жамоат арбоби. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” дарслиги ва бир қанча бебаҳо асарлар муаллифи устоз Абдулла Авлоний томонидан айтилган *“Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат- ё фалокат масаласидир”* сўзлари ўтмишда, бугун ва келажакда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаслиги барчага аён.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлатнинг ёшлар сиёсати ҳақида”ги Қонуни (2016 йил 15 сентябрь).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармойиши.(ПФ-5106-сон 05.07.2017 й).

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2016. 56 б.

4. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь куни парламентга мурожаати. “Халқ сўзи” газетаси 30.12.2020.

5. Абдулла А. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1992 й.

6. Шайх А.М. Ақрид матнлари, Тошкент: ТИУ нашриёти, 2006 й.

7. Эгамбердиев Р. Одобимиз-миллат кўзгуси. Наманган: “Vodiy Media”, 2019. 77 б.

N.Sh. Mullaboyeva, ilmiy rahbar R.Usmonov

Наманган муҳандислик-технология институти,

Наманган, Ўзбекистон

mullaboyevanargiza79@gmail.com

O'QUVCHI – TALABALARDA KASBIY KO'NIKMA VA MALAKALARNI SHAKLLANISHI

Annotatsiya. *Mazkur maqolada o'quvchi-talabalarda tanlagan kasblari bo'yicha ko'nikma va malakalarni shakllanish jarayonlari, undagi e'tiborli jihatlari hamda psixofiziologik sifatleri haqida ma'lumotlar berilgan.*

Kalit so'zlar: *ko'nikma, malaka, kasb, mahorat, psixika, psixofiziologiya, bilim.*

РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ НАВЫКОВ У СТУДЕНТОВ

Аннотация. *В статье представлена информация о процессе формирования навыков и компетенций у студентов выбранных ими профессий, его аспектах и психофизиологических качествах.*

Ключевые слова: *умение, квалификация, профессия, умение, психика, психофизиология, знания.*

STUDENT - DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL SKILLS AND SKILLS IN STUDENTS

Abstract. *The article provides information on the process of forming skills and competencies among students of their chosen professions, its aspects and psychophysiological qualities.*

Key words: *skill, qualification, profession, skill, psyche, psychophysiology, knowledge.*